

Sn → *Anim*.
müde 2 → *Sn* /*Sg* /*NS* /*Inf* (психическ. «надоело, опосты-
 лело»)

Sn → +*Hum*, *Abstr*. как *Hum*.

Sg → *Act*, *Hum*

В предложении: **Der Sohn ist ähnlich** отсутствует грам-
 матичность, что указывает на то, что прилагательное „ähn-
 lich“ двухвалентно и требует двух обязательных актантов:

Der Sohn ist seinem Vater ähnlich.

В немецком языке встречаются также obligatorно трёх-
 валентные прилагательные:

(1) *Der Kraftfahrer ist schuldig.*

(2) *Der Kraftfahrer ist eines Vergehens schuldig.*

(3) *Der Assistent ist dem Dozenten Dank schuldig.*

(4) *Der Assistent ist Dank schuldig.*

(5) *Der Assistent ist dem Dozenten schuldig, daß er sich
 für die Hilfe bedankt.*

В основе этих предложений лежат два лексико-
 семантических варианта, которые отличаются друг от друга
 не только значением, но и валентностью.

(1-2) *schuldig* 1+(1)=2 → *Sn*, (*Sg*)

(3-6) *schuldig* 3 → *Sn*, *Sa* / *Ns*, *Sd*

Из приведенных примеров следует то, что

1) прилагательные обладают obligatorной и факультативной валентностью;

1) имеются одно-, двух- и трехвалентные прилагательные;

2) актанты прилагательного также могут иметь раз-
 личное синтаксико-морфологическое оформление (*Sg*, *Sd*,
NS и т.д.);

3) актанты прилагательного допускают различное се-
 мантическое наполнение ([*Hum*], [*±Anim*] и т.д.), то есть
 подвержены различным ограничениям в избирательности;

4) некоторые актанты выступают как альтернативные.
 Морфолого-синтаксические формы актантов у прилагательных могут иметь следующие варианты:

1) генитив (*Sg*): *ledig*, *fähig*, *würdig* и т.д.

2) датив (*Sd*): *untertänig*, *lieb*, *gut*, *teuer* и т.д.

3) аккузатив (*Sa*): *groß*, *hoch*, *stark*, *breit* и т.д.

4) предложная группа (*pS*): *arm an*, *böse auf*, *reich an* и т.д.
 5) прилагательное-наречие (*Adj*): *geraten*, *gestimmt*, *ge-
 launt* и т.д.

6) придаточное предложение (*NS*): *würdig*, *wert*, *müde* и т.д.

7) инфинитивная конструкция (*Inf*): *würdig*, *müde*, *fähig* и т.д.

8) номинатив (*Sn*) – первый актант прилагательного, то есть это определяемое им существительное, этот актант obligatorен и встречается почти при всех прилагательных.

В целом прилагательные по числу обязательных и факультативных актантов можно классифицировать следующим образом:

1) obligatorно-нулевые, факультативно одновалентные прилагательные (*kalt*, *bedeckt*, *dunkel* usw.)

2) obligatorно одновалентные прилагательные (*wißbegierig*, *charakterfest*, *schwindlig* usw.)

3) obligatorно одно-, факультативно двухвалентные прилагательные (*liebenswürdig*, *interessiert*, *bange* usw.)

4) obligatorно одно-, факультативно трехвалентные прилагательные (*dankbar*, *einverstanden* usw.)

5) obligatorно двухвалентные прилагательные (*ähnlich*, *ab-
 träglich vereinbar*, *ledig* usw.)

6) obligatorно двух-, факультативно трехвалентные прилагательные (*beihilflich*, *wert*, *einig* usw.)

7) obligatorно трехвалентные прилагательные (*schuldig* usw.) [Helbig, 2 /1989, 133].

Литература

1. Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке: Учебное пособие для институтов и факультетов иностранных языков. – М.: «Высшая школа», 1978.
2. Helbig, 1989 – Helbig G. Zur Valenz verschiedener Wortklassen // Deutsch als Fremdsprache 2/1989, Leipzig, - S 131-146.
3. Sommerfeldt, Schreiber, 1974 – Sommerfeldt K.-E., Schreiber H. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutscher Adjektive. Leipzig, 1974.
4. Sommerfeldt, Schreiber, 1975 – Sommerfeldt K.-E., Schreiber H. Zui einem Wörterbuch zur Valenz und Distribution der Substantive. //Deutsch als Fremdsprache, 2/1975, Leipzig, S. 131 –175.

РЕЗЮМЕ

Маколада олмон тилидаги сифатлар валентлиги бўйича сўз боради. Бунда валентлилик кенг маънода синтактик ва семантик доирада тушунилади, актант атамаси воситасида синтактик босқичда бўш ўринларни тўлдирувчи гап бўлаклари тушунилади. Немис тилидаги сифатлар валентлигининг хусусиятлари ва услублари кўриб чиқилади. Муаллиф валентлилик хусусиятларини мисоллар оркали тушунтириб берган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются валентностные партнеры прилагательных. Автор отмечают, что причастия с прилагательными объединяет то, что и те и другие, как правило, имеют одного обязательного валентностного партнера: им является определяемое существительное, которое при атрибутивном употреблении прилагательного стоит после него, а при предикативном – оказывается субъектом предикативной конструкции. Автор показал особенности валентности прилагательных на многочисленных примерах.

SUMMARY

This article is devoted to the valence partners of adjectives. Author notes, the participle with adjectives combine those that have the same obligatory valence partners: they are definable subjects. In attributive use, the adjective comes after definable subjects but in predicative- it becomes subject-matter of predicative construction. Author showed the peculiarities of adjective valence with many examples.

ГАПНИНГ ТАШҚИ ҚУРИЛМАСИ ХАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Р.Хабипова - ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: субъект, предикатив, лисоний метод, синтактик категория, лисоний анализ, дистрибутив, трансформация методи, синтактик алока, субституция, синтаксема, ядро.

Ключевые слова: субъект, предикатив, сравнительный метод, синтаксическая категория, сравнительный анализ, дистрибутив, метод трансформации, синтаксическая связь, субституция, синтаксема, ядро.

Key words: subject, predicative, comparative method, syntactical category, comparative analysis, distributive, transformational method, syntactical connection, substitution, syntaxeme, nucleus.

Маълумки, хозирги замон синтаксисининг асосий объектларини тадқиқ қилишда турли-туман лисоний методлар мавжуд бўлиб, унда тадқиқотчи танлаган мавзунинг тадқиқ этишда хар хил ёндашмоқдалар. Масалан, М.А.Исломованинг фикрича, «Турли хил тилларнинг синтактик конуниятларини таҳлил қилиш нафақат матн ва нутқ парчаларининг хусусий структуравий қурилиши, балки унинг деривацияси – синтактик қурилмалар турли ва уларнинг семантик тўлиқлигига ҳам боғлиқ» [1:222-223]. Олимнинг гап таҳлилига ушбу ёндашуви гапнинг умумий маъносини сақлаган ҳолда, қурилманинг сўз бирликларини кенгайтириш ёки қисқартириш усулларига тўхталлади. У.Қ.Юсупов синтактик категорияларга урғу бериб, уларнинг беш параметрини кўрсатади, яъни «1) ифода ва мазмун пла-

ны; 2) ҳеч бўлмаганда икки синтактик шаклнинг қарама – қаршилиги; 3) синтактик категория маъноларининг бир бирдан фарқлиниши; 4) синтактик категориянинг бўлаклари (аъзолари) эквивалент ёки приватив қарама – қарши қўйилди; 5) синтактик категориянинг аниқ бир хил бўлакларининг мунтазам қўлланишини тарифлайди» [2:72-75]. Ушбу кўрсатилган синтактик категорияларни ёритишда нафақат тилнинг синтактик сатҳида, балки тилнинг лексик морфологик сатҳларининг ҳам ўзаро алоқаси ва муносабати ёрдамидагина амалга ошириш мумкин. Ф.А.Хайдаров, Ш.О.Пердаевлар синтактик таҳлил деганда, «... синтактик ходисалар, синтактик бирликлар, уларнинг турлари, ифода материали» қабиларни санаб ўтиб, «... тилишуосларнинг кўпчилиги гап таҳлили деганда, уни бош ва иккинчи даражали бўлакларга

ажратиб тахлил қилиш билан чегараланади» [3:150-151]. Лекин муаллифлар гапнинг синтактик тахлил тамойилларини кўрсатиб бераолмаган. Попова З.Д. ўзининг «Может ли обойтись синтаксис без учения о членах предложения? Мақолаида гапнинг анъанавий синтактик тахлилини маъқуллаб, В.А.Белошанкова ва Г.А.Золотоваларнинг гапни структурал схемага тушириб, тахлил қилишни қуллаб-қуватлайди» [4:69-75].

Юқорида қайд этилган фикрлар асосан структурал синтаксисга тааллуқлидир, ammo улар структурал синтаксис доирасида гап қурилмасининг лисоний тахлил методлари ҳақида аниқ бир кўрсатма берилмаган. Бу борада Н.Қ.Турниёзовнинг эътиборга оладиган мулохозалари мавжуд. «Агар одатдаги тилшунослик фанида тил системаси элементлари ўртасида ўзаро алоқасини ўрганиш методик услублари ва шу элементларнинг қай даражада юзага келиши масаласини қайд этиш муаммосини ўрганиш усуллари алоҳида бир қилипга солинмаган бўлса, структурал тилшунослик тил системасидаги ҳар бир элементнинг шу система доирасида қандай воситаларга кўра ўрин олиши масалаларини тартибга солиди ва уларни ўрганиш учун кенг имконият яратиб беради» [5:75]. Ҳақиқатан ҳам, структурал тилшуносликнинг шу объектлари умумий ҳолда аниқланган, ammo тил сатҳлариаро ўзаро боғланиши ва уларнинг фарқли томонлари ҳамда уларни тадқиқ қилишда ҳар бир тил сатҳига мослаштириб ишлаб чиқилган лисоний методлар ҳақида аниқ мулохозаларни учратдик. Фақат дистрибутив, бевосита иштирокчилар, трансформацион методлари ҳақида ва улардан фойдаланиш жараёнларига қисқача тухталиб ўтилган. Структурал синтаксис борасида гап қурилмасида виртуал ва актуал элементларнинг морфологик ва синтактик жиҳатдан фаоллашуви яхши ёритилган.

С.Р.Кордер гапнинг ташки ва ички қўрилмаларини аниқлашда ва фикрлашда, Филморнинг «келишик грамматикаси» (a case grammar) да айтилган мулохозаларини қўллаган ҳолда, шундай таъкидлайди: Accepting the necessity for differentiating between deep and surface structure, he points out that “none of the cases outlined above can be interpreted as matching the surface structure relations of «subject» and «object» in any particular language». Thus he suggests that John is Agentive (John opened the door with the key), the key is Instrumental, the door is objective. Thus, for example the objective is sometimes realized as the «object» of a transitive verb, the «subject» of a passive verb) or the «subject» of an intransitive verb. There is no one-to-one correspondence between the category of case in deep grammar and the category of subject, object or indirect object in surface structure.» [6]. Мазкур мулохозалардан маълумки, гапнинг ташки қўрилмасини анъанавий грамматикалардан ўрин олган бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар йиғиндиси ташкил қилса, ички қўрилмаси эса гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг синтактик сатҳда семантикасини аниқлашдан иборат. Айтиш жойизки, гапнинг ташки қўрилмаси деганда гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг ўзаро синтактик алоқаларини аниқлаб, уларнинг дифференциал синтактик белгиларини, яъни компонент таркибини ва уларнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш жараёндар тушинилади.

Ҳозирги замон тилшунослигида синтактик материалларни тахлил қилишда замонавий методлардан дистрибутив, бевосита иштирокчиларга ажратиш, трансформация, субституция, компонент ва синтаксемаларга ажратиб тахлил қилиш лисоний методлар мавжуд бўлиб, улар асосан кичик синтаксис доирасида кенгрок фойдаланилади. Ҳар қандай синтактик объектни тадқиқ этишда қайд қилинган методларни бир-биридан ажралган ҳолда фойдаланилмайди, чунки тадқиқот жараёнида ушбу методлардан биргаликда унумли фойдаланилса, улар бир-бирини тулғазади.

Гапнинг ташки қўрилмаси деганда А.М.Мухин таъбири билан айтганда, гап таркибини компонентларга ажратиб тахлил қилиш, яъни гап қурилмасида иштирок этган синтактик бирликларнинг ўзаро синтактик алоқаларини юнкцион моделлар ёрдамида изохлаб, ушбу моделлар асосида синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик белгиларини, яъни компонент таркибини аниқлаб, уларнинг морфологик ифодаланиши усулларини компонент моделлар орқали кўргазмали равишда тавсифлашга айтилади [7:198].

Бу борада айтиш жойизки, О.Н.Селиверстованинг таъкидлашича, компонентларга ажратиб тахлил қилиш усулини тилининг лексик сатҳида қараб, «...лексик бирликларнинг маъно, синоним, вариант, антонимларини лўғатда ва контекстда аниқлашдан иборатдир» [8:240].

Таъкидлаш жойизки, гап қурилмасини компонентларга ажратиб тахлил қилишда асосан, синтактик алоқаларни аниқлаш муҳим рол ўйнайди ва аниқланган синтактик бирликларни бир – биридан фарқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Синтактик бирликлар ўртасида аниқланган синтактик алоқалар гап қурилмасида иштирок этган компонентларнинг дифференциал синтактик белгиларини аниқлашга кенг имконият яратади. Бундай дифференциал синтактик бегилаар синтетик йўналишда компонентларга қарама – қарши қуйиш ёки контраст усули орқали аниқланади.

Олдинги фаслда таъкидлаганимиздек, А.М.Мухин (1968) ишлаб чиққан синтактик алоқалар асосида қуйидаги гапларни ташки қурилмасини компонентларга ажратиб тахлил қиламиз.

He drunk (CSI,58)

I'll have finished it (EHF,59)

He sat down at his writing table and wrote (Bises,95)

We were both together again (EHF,143)

I will ask Valentine to come (EHF,72)

Ушбу гапларнинг ташки қурилмасининг компонент тахлили гап таркибида келган He ва drunk (1), I ва shall have finished (2), He ва sat down (3) we ва were (4), I ва will ask (5), everyone ва started (6) синтактик бирликлар ўзаро ядро предикатив алоқа асосида боғланган. А.М.Мухин таъкидлаганидек, «... мустақил, тугал фикрни ифодалаши учун гапда асосий фикрни англатувчи икки унсур, яъни эга ва кесим ўртасида ядро предикатив алоқа мвжуд бўлиши зарур» [9:230]. Ядро предикатив алоқанинг муҳим хусусиятлари асосан қуйидагилардан иборат: биринчидан, бошқа синтактик алоқалардан фарқи уларок, ядро предикатив алоқа бошқа синтактик алоқаларга тобе бўлмаган ҳолда, ўзи мустақил фикрни англатувчи гапни туза олади, иккинчидан эса, у тенг ҳуқуқга эга бўлган икки ядро компонентни ўзаро боғлайди [10:154]. Демак, ядро предикатив алоқа икки ўзаро тенг ядро компонентларни ўзвий боғлагани туфайли, юнкцион моделларни ифодалашда икки томонга йўналтирилган ва икки томонлама кўрсаткичга эга бўлган (↔) шаклда берилади.

Шунингдек, мазкур синтактик алоқа гапнинг асосий қурилмасини ташкил этувчи компонентлар ўртасида мавжудлиги туфайли бошқа синтактик алоқалардан фарқлайдиган хусусият ҳисобланади. Бошқа синтактик алоқалар гапнинг курашиш жиҳатидан унинг асосий марказини ташкил эта олмайди. Чунки ядро предикатив алоқадан ташқари синтактик алоқалар ядро бўлмаган алоқа ҳисобланади.

Қисқача қилиб айтганда, гапнинг ташки қурилмаси деганда, гап таркибидаги синтактик бирликларни компонентларга ажратиб моделлаштириш усулида тахлил қилиш, яъни элементларнинг синтактик алоқаларини ҳамда уларнинг дифференциал синтактик белгиларини ва морфологик ифодаланиш усулларини қилиштириш жараёнига айтилади ва гапнинг ташки қурилмаси структурал синтаксиснинг асосий иш объекти ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Исламова М.А. Элементар гапларни тахлил қилишнинг умумий тамойиллари. // Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 10 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-назарий конференцияси материаллари. -Самарқанд: 2004.(26-27ноябрь) 222-223-б.
2. Юсупов У.К. К теории грамматической категории // Xorijiy Filologiya (til, adabiyot, ta'lim), SamDChTI, 2008, №4 (23). 72-75-б.
3. Хайдаров Ф.А., Пердаева Ш.О. Анъанавий синтактик тахлил усуллари ҳақида // Til tizimi sathlari: Semantik-Funksional va struktur asoslar. Respublika ilimiy-amaliy anjumani materiallari (Samarqand, 2009-yil 18-19-dekabr, SamDChTI, 2009, -C.150-151.
4. Попова З.Д. Может ли обойтись синтаксис без учения о членах предложения? // Вопросы языкозн. -Москва: «Наука», №5. 1984. -С. 69-75.
5. Турниёзов Н.К. Узбек тили структурал синтаксисига кириш. -Самарқанд: СамДУ нашри, 1989, 75-б.
6. http://ifa.amu.edu.pl/files/1/02_corder.pdf.

7. Мухин А.М. Функциональный синтаксис. Функциональная лексикология. Функциональная морфология. –Санкт-Петербург: СПб, 2007. - С.198.
8. Селиверстова О.Н. Компонентный анализ многозначных слов. -Москва: «Наука», 1975. -С. 240.
9. Мухин А.М. Структура предложений и их моделей. -Ленинград: «Наука», 1968, -С. 230.
10. Ашууров Ш.С. Инглиз ва узбек тилларида кесим типологияси. / филол.фанлари номзоди диссертацияси. -Самарканд: 2007. 154-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада гапнинг ташки қурилмаси деганда гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг ўзаро синтактик алоқаларини аниқлаб, уларнинг дифференциал синтактик белгиларини, яъни компонент таркибини ва уларнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш жараёнилари ҳақида сўз этилган. Биргина гапнинг ташки қурилмаси ҳақида тилшуносларнинг уларга нисбатан турлича ёндашувларини қисман бўлсада эътироф этдик.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о внешних соединениях предложений т.е. о процессах, определяющих структуру компонентов, определение взаимосинтаксических связей синтаксических единиц, участвующих в составе предложения, а также их дифференциальные и синтаксические значения и морфологические свойства. Автор статьи пытается показать различные подходы языковедов по вопросу синтаксических связей в построении предложения.

SUMMARY

The article deals with exterior connection of sentences, that is to say on processes, defining the structure of components, defining intersyntactical relationships of syntactical units, participating in the structure of sentences and also differential, syntactical meanings and their morphological characteristics. The author of the article tried to show different approaches of linguists to the issues of syntactical connections in sentence building.

“КОДЕКС КУМАНИКУС” ВА БОШҚА ТУРКИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАР ТИЛИ

Б.С.Жафаров - *катта илмий ходим-изланувчи*
Наманган давлат университети

Таянч сўзлар: “Тошбитиги”, “Девону лугатит турк”, “Кутадғу билиг”, “Кодекс Куманикус”, қўлёзма, лотинча-форсча-куманча-лугат, транслитерация.

Ключевые слова: «Тошбитик», «Девану лугатит турк», «Кутадғу билиг», «Кодекс Куманикус», рукопись, латинский, персидский, куманский словарь, транслитерация.

Key words: “Toshbitig”, “Devanu lugatit Turk”, “Kutadgu bilig”, “Codex Cumanicus”, manuscript, Latin, Persian, Cuman, dictionary, transliteration.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов – “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларида она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий лугатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Маълумки, ўзбек тили асрлар давомида араб ёзуви асосида ривожланиб келган. Айни пайтда буюк аждодларимиз, тилимизнинг ўзига хос грамматик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улкан имкониятларга мос ёзув тизимини яратиш ҳақида доимо бош қотириб келганлари ҳам тарихий манбалардан яхши аён деб ўйлайман”[1:87] - деб бежизга такидламаганлар. Буюк бобокалонларимиз томонидан яратилган қадимий ёдгорликларимиз тарихчи, тилшунос, адабиётшунос, манбашунос олимларимизнинг доимо диққат эътиборида бўлиб келган.

Туркийшунослик–туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг тиллари, этнографияси, тарихи, адабиёти, фольклори, маданиятини ўрганувчи гуманитар фанлар мажмуаси ҳисобланади. Туркийшунослик дастлаб, филологик фан сифатида ривожланган. Туркийшуносликнинг энг муҳим манбалари туркий рун (урхун-енисей), уйғур ва қимсан моний (ёки монавий), бирахмон, суғд ва сурёний ёзувларида ёзилган обидалар киради деб такидлаб келинар эди. Аммо бугунга келиб жаҳон таркийшунослигида яна бир муҳим манба XIII аср охири XIV аср бошларида италиялик савдогарлар ҳамда немис миссионерлари томонидан яратилган “Кодекс Куманикус” ҳам туркийшуносликнинг муҳим манбаларидан бири эканлиги эътироф этилмоқда.

“Кодекс Куманикус” бугунги кунда Венециядаги авлиё Марк ибодатхонасининг кутубхонасида сақланаётган нодир қўлёзмаларда бири бўлиб, у мазкур кутубхонага Италия шоири Франческо Петрарка томонидан савға қилинган ва Cod. Marc. Lat. DXLIX рақами билан рўйхатга олинган.

Қўлёзманинг умумий ҳажми 82 (бу саҳифа қўлёзмалар учун ишлатилган бўлиб, икки саҳифа битта рақам билан саҳифаланган) саҳифадан иборат бўлиб, у бугунги кундаги 164 бетни ташкил этади.

“Кодекс Куманикус” график ва тил хусусиятига кўра икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми

италиялик савдогарлар томонидан маҳаллий аҳоли тилини ўрганиш учун тузилган лотинча, форсча ва куманча лугатдан иборат бўлса, иккинчи қисми эса, маҳаллий аҳоли ўртасида христиан динини тарғиб қилиш мақсадида немис миссионерлари томонидан куман тилига таржима қилинган диний дуо ва мадҳиялар, немисча-куманча лугат, куманча-лотинча лугат, ҳамда энг қадимий 47 та туркий топишмоқлардан ташкил топган.

Қадимги туркий қўлёзмалар тили ва ёзуви ҳақида шуни айтишимиз мумкинки, “Авесто” оромий ва пахлавий ёзувида, “Кул тегин битигтоши”, “Билга хоқон битигтоши”, “Тўнюкүк битигтоши”, “Унгин битигтоши”, 1912 йилда профессор В. Котвич томонидан Мўғилистоннинг Улан-Батор яқинидаги Ихе – Хушоту манзилидан топилган “Кули чур битигтоши”, 1909 йилда фин олими Г. И. Рамстедт томонидан Шимолий Мўғилистоннинг Селенга дарёси ва Шинэусу қўли яқинидан топилган “Моюн чур битигтоши” ҳамда А. Стейн томонидан Хитойдаги Дунхуан яқинидаги “Минг будда ғори” деб аталувчи ибодатхонаси хизматчисидан олиб Лондонга келтирган қўлёзма “Ирқ битиг” (фолнома) туркий рун ёзувида, “Шахзодалар Қайнамақара ва Папамқара ҳақида қисса”, “Олтин ёруқ”, “Секиз юкмак”, “Атавақа деви ҳақида афсона”, “Будда афсоналари” қўлёзмалари ҳамда Турфан яқинидаги Остона деган жойдан келтирилган “Хуастуанифт” (Монавийлар тавбаномаси) қўлёзмасининг Ленинград нусхаси қадимги туркий тилининг тахминан V-X асрларда вужудга келган уйғур ёзувида битилган [2:4-5] бўлса, Махмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит турк” асари араб ёзувида, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асарининг икки нусхаси араб ёзувида учинчи нусхаси эса, уйғур ёзувида битилган.

“Кодекс Куманикус”нинг бошқа туркий қўлёзмалардан ажралиб турадиган жиҳатларидан бири унинг лотин ёзувида ёзилганлигидир. Ҳаттоки, “Кодекс Куманикус” да берилган форсча сўзлар ҳам лотин алифбосида транслитерация тарзида ёзилган. Бу ўз навбатида форсий сўзлар талаффузидаги ўзига хос товушларнинг фонетик бузилишига олиб келади.

Қўлёзманинг 67 (СС 336) саҳифасида берилган олмошлари мисолида кўрадиган бўлсак, ундиги форсча сўзларнинг лотин ёзувида транслитерация ҳолида берилиши юқоридаги фикримизга асос бўлиши мумкин.

Қўлёзмада куман тилида берилган “**мен**” эгалик олмошининг форсчаси **ман** (من) шаклида берилган. Аммо форс тилида “**менинг**” эгалик олмошининг эквиваленти бўлмаганлиги учун бу изофа билан ёзилади. Қўлёзмада эса ушбу эгалик олмоши лотин ёзувида “**ačanj yma**” [ачани йма] тарзида берилган.